

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг “15” куни жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Б.Мўминов, С.Абдубанноновнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси С.Акбаровнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан Раимов Достонбек Усмоновични айблаш ҳақидаги 1-1508-2201/139-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Раимов Достонбек Усмонович (Raimov Dostonbek Usmonovich), 1991 йил 28 февралда Бувайда туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Бувайда тумани, Янгиҳаёт маҳалла фуқаролар йиғини, Янгиҳаёт қишлоғи, Бобуршоҳ кўча, 21-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 25 апрелда олган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни.

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Раимов 2022 йил 25 март куни соат 12:30ларда Бувайда тумани Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи қўшниси И.Абдуллаев билан терак дарахтларини кимга тегишли эканлигига аниқлик киритиш жараёнида ўзаро гап таллашиб жанжаллашиб кетишган. Жанжал давомида Д.Раимов И.Абдуллаевнинг бош соҳасига темир жисм билан бир маротаба қасддан уриб унга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказган.

Суд-тиббий экспертizasининг 2022 йил 30 мартдаги 601-сонли хулосасига кўра, И.Абдуллаевда бошини энса-тепа соҳасидаги эзилиб йиртилган яраси аниқланиб, бу жароҳатлар 6 кундан кўп, аммо 21 кундан кам бўлган муддатга соғликни бузилишига сабабчи бўлган ЕНГИЛ шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи Д.Раимов судда айбига иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам жабрланувчи И.Абдуллаев билан томорқа қўшни эканлари, томорқалари



ўртасида девор йўқлигини, ўрталари ариқ борлигини, шу ариқ атрофида тераклари борлигини, 2022 йил 25 март куни соат 12-30ларда қўшниси И.Абдуллаев улар томондаги теракларни кесаётганлигини кўриб, уни олдига бориб, унга нима сабабдан кесаётганлигини сўраганида, у бу тераклар уники эканлигини, шунинг учун кесаётганлигини айтгани, шунда унга бу тераклар унга тегишли эмаслигини айтиб ўзаро жанжаллашиб қолганлари, шундан сўнг у ердан кетиб юборгани, кейин дадаси У.Раимов ҳам бориб, унга теракларни кесмасликни айтганида у дадаси У.Раимовни ҳам уятли сўзлар билан сўкиб турганида, қўлида болта турганлигини кўриб, дадаси У.Раимовни болат билан уриб юборишидан қўрқиб, ўша ерда турган темир жисми олиб, уни бошига уриб юборгани, шунда боши қонаб ерга йиқилиб, сўнг яна туриб қўлидаги болтани унга отиб юборгани, шунда у ердан қочиб кетгани, кейин ундан кечирим сўрагани, лекин у кечирмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини эътиборга олиб енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи И.Абдуллаев судда судланувчи Д.Раимов томорқа қўшниси экани, ўрталарида бир ариқ бўлиб, девор бўлмагани, ўзи ҳарбий бўлгани учун турли шаҳарларда ишлаб, уйларига кам келиб юргани, ҳозирда нафақага чиқиб келиб, доимий яшаш учун келиб, 2022 йил 25 март куни томорқадаги теракларни кўчириб, кесиб турган вақтида, қўшниси судланувчи Д.Раимов келиб, нима учун бу теракларни кесиб турганлигини айтгани, шунда унга бу тераклар уни томонидан эканлигини, шунинг учун кесиб ташлаётганлигини айтганида, у ўзаро жанжал қилгани, сўнг унинг дадаси У.Раимов ҳам келиб, теракларни кесмаслигини айтиб жанжал қилганлари, шу вақтда теракларни кесиш учун ҳақиқатдан ҳам қўлида болта бўлгани, бу болта билан қўшниси У.Раимовни урмоқчи бўлмагани, бундай мақсади ҳам бўлмагани, шунда У.Раимов билан жанжаллашиб турган вақтида орқа томонидан Д.Раимов шу ерда турган темир лом билан орқадан бошига урганлигини, шунда ерга йиқилганлигини, кейин нима бўлганлигини билмаслигини, бошидан жароҳат олганлигини, ота-бола сўкиб, ҳақорат қилганлигини, касалхонада ётиб даволанганлигини, даволанганида сарфланган харажатларини ҳамма хужжатлари ҳозирда йўқлигини, ҳозир ҳам даволанаётганлигини, судланувчи бирон маротаба ҳам ҳабар олмаганлигини, даволанишида моддий ёрдам бермаганлигини, шунинг учун судланувчи Д.Раимовдан даволанишида кетган сарф харажатларини ундириб, унга нисбатан қонуний оғир жазо тайин этишликни сўради.

Гувоҳ Г.Абдуллаева судда судланувчи Д.Раимов қўшниси, жабрланувчи И.Абдуллаев турмуш ўртоғи экани, 2022 йил 25 март куни турмуш ўртоғи И.Абдуллаев томорқаларидани теракларни кесиб, кўчириб турган вақтида қўшниси Д.Раимов отаси У.Раимов билан бирга турмуш ўртоғи И.Абдуллаевни сўкиб ҳақорат қилиб турганларини нарироқдан кўриб тургани, шунда бирданига Д.Раимов ўша ерда турган



турмуш ўртоғига тегишли бўлган темир ломни олиб, турмуш ўртоғи И.Абдуллаевни бошига урганлигини, шунда И.Абдуллаев ерга йиқиб тушгани, шунда уларни олдига бориб, турмуш ўртоғи И.Абдуллаевни боши қонагани сабабли, уйга олиб кириб, такчси чақириб, шифохонага олиб боргани, судланувчи Д.Раимовларни машинаси бўлса ҳам улар ёрдам бермадан шифохонага олиб бормаганлари, турмуш ўртоғи И.Абдуллаевни даволанишига ҳам ёрдам бермаганлари, хъатто кечирим ҳам сўрамаганликлари ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ У.Раимов судда судланувчи Д.Раимов ўғли, жабрланувчи И.Абдуллаев кўшниси экани, И.Абдуллаев билан томорқа кўшни эканликларини, томорқаларини чегарасига терак кўчати эканнаи, 2022 йил 25 март куни кўшниси И.Абдуллаев теракларини кесаётганида ўғли Д.Раимов И.Абдуллаев билан жанжаллашиб қолганликларини, кейин уларни олдига бориб, теракларни кесмаслигини айтганида И.Абдуллаев сўкиниб, дўқ-пўписа қилгани, шунда уни қўлида дарахтларни кесаётган болтаси бўлгани, шунда иккиси жанжаллашиб турганларида ўғли кўрқиб кетиб, ўша ерда турган темир ломни кўтарган вақтида жабрланувчи И.Абдуллаевни бошига тегиб кетгани, кейин И.Абдуллаев қўлидаги болатани ўғли Д.Ж.Раимовга отиб юборгани, болта тегмагани, ўғлини кеткизиб юборгани, кейин жабрланувчи И.Абдуллаевни хотини уйларига олиб кириб кетгани, кейин кечирим сўрашса ҳам улар кечирмаганликларини айтиб кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Раимовнинг содир этган қилмиши юқоридаги кўрсатувлардан ташқари жиноят ишидаги алоқа хати хабарнома, ариза (и.в. 3-6), судга оид тиббий экспертиза тайинлаш қарори ва хулосаси (и.в.13-17), сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд судланувчи Д.Раимовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судда аниқлаган ҳолатларга кўра, судланувчи Д.Раимов яшаш хоанадонининг томорқасида кўшниси И.Абдуллаев билан ўрталаридаги теракларни кесиш юзасидан ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида Д.Раимов ўша ерда турган темир лом билан И.Абдуллаевни бош қисмига қасддан бир маротаба уриб, унга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган энгил шикаст етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар тарафидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий



хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 26-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд юқоридаги Олий суд Пленум қарорлари талабидан келиб чиқиб, судланувчи Д.Раимовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчи И.Абдуллаевнинг муҳим аъзоси ҳисобланган бош қисмига темир лом билан қасдан уриб, унга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказганлигини, бу ҳаракатлари оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, жабрланувчини судланувчига нисбатан оғир жазо чораси қўллашни сўраб берган кўрсатувини эътиборга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек жабрланувчи И.Абдуллаевга моддий зарар ундириш юзасидан тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни, суд мажлитсида ашъвий далил тариқасида олинган бир дона темир ломни, ушбу лом жабрланувчига тегишли бўлгани сабабли, И.Абдуллаевга қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Судланувчи Раимов Достонбек Усмонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилсин. Д.Раимовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 4 (тўрт) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил колонияларда ўташлиги белгилансин. Жазо муддати 2022 йил 15 июнь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Раимовга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамокқа олинсин.

Суд мажлитсида ашъвий далил тариқасида олинган бир дона темир лом жабрланувчи И.Абдуллаевга қайтарилсин.



Жабрланувчи И.Абдуллаевга моддий зарар юзасидан тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Мўминов

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
Жиноят ишлари бўйича  
Бувайда туман судининг раиси**

**Б.Мўминов**

